



# HUDUDGAZ XORAZM

## GAZ TAMINOTI FILIALI

### ТАБИЙ ГАЗНИ УЛГУРЖИ

### ИСТЕММОЛЧИЛАРГА

### ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ

### ШАРТНОМАСИ

**№ 5/40**

Урганч шаҳар 2022 йил

Кўриб чиқган юрист: Babayev Ulug’bek Omonbayevich. Ҳужжат рақами: СО6632371368

# Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш ва қабул килиш

## ШАРТНОМАСИ

31 01

2022 йил.

5/40-сон

Урганч шаҳар

(шартнома тузилган жой)

Низом асосида фаолият юритувчи **Хива шаҳар ХТБ**

(Истеъмолчи номи)

(кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб аталади), раҳбари **З. Рахимова**

бир томондан ҳамда Низом ва 2022 йил “05” январда берилган 03-19-12/42-сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи “Худудгиз Хоразм” газ таъминоти филиали (кейинги ўринларда “Етказиб берувчи” деб аталади), раҳбари **Ш.Қ.Сабиров** иккинчи томондан, куйидагилар тўғрисида мазкур шартномани тузилар:

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоклари орқали Истеъмолчининг келишилган буюртманомаси бўйича табиий газ (кейинларда ўринларда газ деб аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилиган ҳажмда газни қабул килиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларни белгилangan нарх бўйича ўз муддатида амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойихасига мувофик, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертификатга эга газ қурилмалари, шунингдек, газни хисоблаш приборлари (кейинги ўринларда хисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган месъёрларга (Табиий газдан фойдаланиш коидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни тақдим этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига қадар келгуси йилда истеъмол килиниши таҳмин килинаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган газ ҳажми техник шартларда белгилangan босим ва ҳажмда 20 22 йилда **590 908** куб.м, нархи **389 999 280** минг сўмни ташкил қиласди, жумладан чораклар ва ойлар бўйича қуидагича тақсимланади:

I чорак	590 908	мингкуб.м,	январь	233 333,	февраль	233 333,	март	124 242.
II чорак	_____	мингкуб.м,	апрель	_____	май	_____	июнь	_____.
III чорак	_____	минг куб.м,	июль	_____	август	_____	сентябрь	_____.
IV чорак	_____	мингкуб.м,	октябрь	_____	ноябрь	_____	декабрь	_____.

Етказиб берувчи томонидан хизматларни тўлиқ ҳажмда кўрсатиш учун магистрал ва газ тақсимоти тармокларининг ишлаши издан чиқсан тақдирда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон карорида кайл этилган стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчиларга 2022 йилда зарур бўлган табиий газнинг минимал ҳажми \_\_\_\_\_ минг куб метрни, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича қуидагини ташкил қиласди:

I чорак	_____	мингкуб.м,	январь	_____	февраль	_____	март	_____.
II чорак	_____	мингкуб.м,	апрель	_____	май	_____	июнь	_____.
III чорак	_____	минг куб.м,	июль	_____	август	_____	сентябрь	_____.
IV чорак	_____	мингкуб.м,	октябрь	_____	ноябрь	_____	декабрь	_____.

1.5. Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлинган буюртманомани тақдим этмаса, Етказиб берувчи томонидан чорак учун ажратилган табиий газ ҳажми ойлар бўйича бир хил миқдорла тақсимланади.

1.6. Етказиб берувчи Истеъмолчи буюртмаларини табиий газ ресурсларининг ва газни тақсимлашнинг тасдиқланган балансига мувофик ажратилган ҳажмлар доирасида кайта кўриб чиқиши мумкин. Истеъмолчи томонидан навбатдаги ой (чорак) учун кўрсатилиган табиий газ ҳажмлари ўзгариши бўйича 10 кун олдин газ таъминоти ташкилотига хабар берган тақдирда, бундай холат ортиқча олинган газ миқдори деб хисобланмайди.

### II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу шартномада кайл этилган (1.4-банд) муддатларда ва ҳажмлarda ҳамда ГОСТ 5542-2014 (Саноат ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёнувчи газлар) га мувофик тарздаги табиий газни етказиб берилади.

2.2. Истеъмолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларига асосан жорий ой учун газ истеъмолининг суткалик месъёри доирасида газ қабул килиб олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини имзолайди.

2.3. Етказиб берувчи Истеъмолчига 24 соат ичида газ етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби ва шартлари ўзгарганилиги тўғрисида барча усууллар оркали Истеъмолчини хабардор килиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телефон ракамлари:

104 377-51-04

Истеъмолчи манзили ва телефон раками:

Хива шахар, Р. Мажидий 12-үй тел: 377-65-72

2.4. Етказиб берувчи Истеъмолчини газ етказиб бериш кискартирилишига кадар камида 24 соат аввал бу ҳакида хабардор қилиши шарт, магистрал газ қувурларида юз берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Истеъмолчи хабардор қилингандан кейин газ етказиб бериш дархол кискартирилади ёки тўхтатилади.

2.5. Магистрал ва таксимловчи газ қувурларининг технологик иш режимлари бузилганда, шунингдек, куз-киш мавсумида ижтимоий соҳа обьектларини ва аҳоли истемолчиларини бир маромла табиий газ билан таъминлаш максадида Етказиб берувчи Истеъмолчини огохлантирган ҳолда газ етказиб беришни чеклаш ёки тўхтатиб кўйиш ҳукукига эта, Истеъмолчи эса захира ёкилги туридан фойдаланишга ўтади.

2.6. Истеъмолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-қабул қилиш доирасида тезкор маълумотларни мунтазам алмашишни таъминлаш учун жавобгарликни ўз зинмасига олади.

2.7. Истеъмолчи захира ёкилги туридан фойдаланишни кўзда тутини ва уни етарли миқдорда (3 ойдан кам бўлмаган муддатга) шакллантириши шарт. Истеъмолчи Етказиб берувчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш коидаларига мувофик захира ёкилгига ўтиши ва газдан фойдаланишни тўхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тўхтатилиши тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

2.8. Истеъмолчи ўзига тегишли бўлган газ тармоқлари ва уларда ўрнатилган ускуналар, ГТП (газ таксимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз ҳолда фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда саклаш учун жавобгар хисобланади.

2.9. Истеъмолчининг кўшимича газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, реконструкция қилиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш ҳажми ўзгаришига олиб келган ҳолларда, Истеъмолчи Етказиб берувчидан кўшимича газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция қилишга техник шартларни олиши шарт. Газ тармоқларига уланиш Табиий газдан фойдаланиш коидаларига мувофик амалга оширилади.

2.10. Истеъмолчи ёки Етказиб берувчининг тўлов реквизитлари ўзгарган ҳолатларда улар зудлик билан бир-бирини бу ҳакида хабардор қилиши шарт.

2.11. Табиий газни қазиб олиш, кайта ишлаш, узатиш, таксимлаш ва истеъмол қилиш режимиининг ягона узлуксиз технологик жараёнини хисобга олиб, табиий газни Нашлаб чикарувчи ва Етказиб берувчининг талабларини бажариш Истеъмолчилар учун мажбурий хисобланади.

### III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Газни хисобга олмасдан етказиб беришга йўл қўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ миқдори газ тармоқлари бўлиниши чегарасида ўрнатилган хисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекси бўйича аникланади ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлиниши чегараси (Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоғининг бошланиши хисобланиб) Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги, тегишлилиги бўйича аникланадиган газ тармоғи бўлиниши нуктаси хисобланади ва унда хисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

3.3. Бирлик миқдори стандарт шароитда 1 м<sup>3</sup> газ олинади: ҳарорат 20° С, босим 101,325 кРа (760 mmHg) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандига асосан). Газ ҳажми газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитда, азот ва карбонат антидрид) кийматлари бўйича тузатилади.

Газ миқдори “Ўзстандарт” агентлигининг меъёрий-ҳукукий хужжатлари талабларига мувофик газ миқдорини стандарт шароитга автоматик равишида келтирадиган газни хисоблаш приборлари ёрдамида аникланади.

3.4. Етказиб берувчининг ёки Истеъмолчининг балансида бўлган газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси унинг мулки хисобланади.

3.5. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси танлови тегишли коидалар ва меъёрларга мувофик амалга оширилади ва Етказиб берувчи билан келишилади. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси газ истеъмолини хисобга олиш ва назорат қилишининг автоматлаштирилган тизим (ТГҲНАТ-АСКУГ) ларига уланиши лозим.

3.6. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексини ўрнатиш ва ишлатиш амалдаги коидалар ва меъёрларга мувофик амалга оширилиши керак.

3.7. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекси эгаси уни ишлатиш давомида О’з DSt 8.030:2008 “Ёкилғи ва энергия. Ҳисобга кўйиладиган умумий талаблар”, О’з DSt 8.031:2008 “Ёкилғи ва энергия. Ўлчаш

приборлари билан жихозлаш ва уларни ишлатиш” давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя килиш.

3.8. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амалдаги меъёрлар ва коидаларга мувофик бўлиши керак.

3.9. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари “Ўзстандарт” агентлигининг жорий киёслов кўригидан ўтказилган сертификати ва/ёки метрологик аттестациясига эга бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг киёслов кўрикдан ва/ёки метрологик аттестациясидан ўтиш даврини “Ўзстандарт” агентлиги белгилайди.

Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари эгаси газ ўлчаш приборларини киёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексларини (ва унинг таркибий кисмларини) “Ўзстандарт” агентлигида метрологик аттестациядан ўтказишнинг ўз вактида бажарилиши учун маъсуудир.

3.10. Режалаштирилган ишларнинг бир кисми сифатида (киёслов кўриги/калибрлаш, торайиш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг кисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг кисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва коидаларга мувофик эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

3.11. Режалаштирилган ишларнинг бир кисми сифатида (киёслоаш кўриги/калибрлаш, торайтириш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг кисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг кисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва коидаларга мувофик эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

Етказиб берувчининг вакилини газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексининг эгаси чакиради.

3.12. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларини модернизация килиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошка усулларини танлаш масалалари Етказиб берувчи билан келишилади.

3.13. Газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитдаги зичлик, азот ва карбонат ангидрид) газ ўлчаш приборининг конфигурациясига киритилади.

Газ ўлчаш приборининг эгаси газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вактида газ ўлчаш приборини конфигурациясига киритишни таъминлайди. Етказиб берувчи Истеъмолчи газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вактида етказиб берилишини таъминлайди.

3.14. Етказиб берувчи ўзининг тамгаларини газ ўлчаш приборларига ва/ёки ўлчаш комплексининг газ хажмини ўлчашга таъсири киладиган кисмларига Истеъмолчи иштирокида ўрнатади ва тегишли далолатнома тузилади. Ўрнатилган тамгаларни бутлилига Истеъмолчи жавобгардир.

3.15. Етказиб берувчи Истеъмолчининг газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари ва уларнинг таркибий кисмларининг тўғри ишланини кузатиш хукуқига эга. Шу билан бирга, Истеъмолчи Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофик Етказиб берувчи вакилларининг ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчаш комплексларига тўсиксиз киришини таъминлайди.

3.16. О'з DSt 8.586.(1-5)-2005 бўйича ўлчов комплекси ва ўлчаш приборлари ишида тайритабиий холатлар юзага келган тақдирда О'з DSt 8.064:2017 бўйича газнинг микдори хисобланади (корректировка). Ўлчаш курилмаси ва /ёки ўлчаш комплекси фаолиятига рухсатсиз аралashiш холатлари бундан мустасно.

3.17. Олингани газ учун хисоб-китоб, куйидаги ҳолларда тамғаланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши хисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни хисобга олмаган ҳолда газ истеъмоли – газни хисоблаш прибори ва газни сарф қилиш нормаси бўлмагандан, газни хисоблаш приборини четлаб ўтган ҳолда истеъмол килиш (ноконуний байнас линиялари уланганда) охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

б) хисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартирилганда - охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

в) хисобга олиш прибори бузилганда (хисобга олиш прибори бузилганлигини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлганда) – шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларини инобатга олган ҳолда бир хисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вактга;

г) хисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда – киёслов кўригидан ўтказиш учун счилганда – хисобга олиш прибори счилган кундан “Ўзстандарт” агентлигидан киёсловдан ўтказилиб, сертификат олиниб жойига ўрнатилган кунгача бўлган вактга;

д) хисобга олиш приборини киёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш муддати тугаганда – киёслов кўригидан метрологик аттестация ўтказиш муддати тугаган кундан киёслов кўригидан ёки метрологик аттестация ўтказиш учун очилган кунгача бўлган вактга;

е) хисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг кисмларига ўрнатилган тамгаларнинг бутлиги бузилганда – охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вактдан бошлаб, лекин бир хисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вактга;

ж) хисобга олиш приборини ўзбошимчалик ечиб кўйилганда – охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вактдан бошлаб аникланган кунгача бўлган вактга;

з) газни тарқатиш тармокларининг технологик режимини бузадиган газ кувурларида ёки ГТПларида асбоб-ускуналар ўрнатилганда - охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вактдан бошлаб аникланган кунгача бўлган вактда;

и) Газ хисоблаш ускунасининг конфигурацияларига ноконуний тарзда ташки таъсир кўрсатган холда табий газни истеъмол килиш холатлари аникланганда– ташки таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув кунини ва фактини тасдикловчи хужжатлар мавжуд бўлса), бирок даъво муддатидан ортик бўлмаган муддатга;

к) хисобга олиш приборининг хотирасида сакланадиган архив маълумотларини йўқотиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимидан хисобот ойида маълумотлар олиш имкони бўлмагандан ёки етказиб берувчининг оператив журналларидан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда. (Хисоб-китоб учун ТГХНАТ (АСКУГ) тизими жорий килинган истеъмолчиларда хисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган холларда истеъмол килинган табий газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТГХНАТ тизимида кайд этилган маълумотлардан олинади);

л) газ истеъмоли ҳажмлари хисобга олиш приборининг рухсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортиқча бўлганда, пломбаланмаган газ жиҳозларидан фойдаланилган газ учун хисоб-китоблар охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, хатлов далолатномаси мавжуд бўлмаганда эса – газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охирги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш хужжатларини расмийлаштирасдан истеъмолчи томонидан қўшимча газ курилмаси ўрнатиш холати аникланганда (қўшимча газ анижомларини ўрнатиб олиб фойдаланаётганлик факти бўйича асослантирувчи хужжатлар мавжуд бўлганида) -бир хисоб-китоб даврига;

3.18. Истеъмолчининг хисобга олиш прибори газ ҳажмини пастки чегараси остида сарфлаганда, газ ҳажми хисобга олиш прибори ва/ёки ўлчов комплексининг меъёрий-техник хужжатларида кўрсатилган ўлчовининг пастки чегарасида олинади.

3.19. Етказиб берувчи томонидан етказиб бериладиган газ ҳажмининг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборларининг ишлаши бузилган холатлар аникланганда. Етказиб берувчи "Ўзстандарт" агентлиги бўлинмаларида ўлчов комплекслари ва газни хисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишини талаб килиш хукукига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказганлик учун тўловлар Иsteъmolchi томонидан, соз холатда бўлганда эса –экспертиза ўтказилиши талаб килган Тараф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар хисобга олиш прибори ишдан чиккандаёки хисобга олиш приборидан газ сизиб чикиш холатлари аникланган тақдирда Иsteъmolchi 24 соат ичидан Етказиб берувчига бу ҳакда хабар бериши шарт. Шунингдек корхонадаги газ ишлатадиган асбоб-ускуналарни ишлаш графигини тузиши ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарини Етказиб берувчи билан биргаликда ўчириб тамгаланишини таъминлаши шарт.

3.21. Хисобга олиш приборларида газ сизиб чикиш холати аникланган тақдирда қайта хисоб-китоблар охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вактдан бошлаб аникланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади.(O'z DSt 8.586 га кўра газни аниклаш тизимлари герметик холатда бўлиши керак).

#### **IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ХИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ**

4.1. Иsteъmolchi мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигитомонидан амалдаги конунчиликка мувофик белгиланади.

4.3. Иsteъmolchi хисоб-китоб килиш даври бошланишидан камида 5 кун олдин Етказиб берувчининг хисоб ракамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-банларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми кийматининг 100 фоиз суммасини олдиндан тўлайди.

Хисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин хисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳак тўлаш асосида амалга ошириш хохишини билдирган истeъmolchilar хисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб етказиб берилган табий газ учун 50 фоиз олдиндан ҳак тўлаш асосида хисоб-китоб килиш тўғрисида Етказиб берувчига билдирги гартибида мурожаат килишга ҳаклиdir. Бундай ҳолатларда истeъmolchilar хисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин газ таъминоти ташкилотининг хисоб рақамига табий газ етказиб беришга тузилган шартномада кўrсатилган ойлик газ ҳажми киймати

суммасининг 50 фоизи миқдорида олдиндан ҳақ тўлашлари шарт. Амалда истеъмол қилинган табиий газ хажми учун якуний хисоб-китоб хисобот ойининг охиригача амалга оширилади.

4.4. Истеъмолчига газ олдиндан тўловсиз етказиб берилмайди.

4.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истеъмолчига газ етказиб берилмайди (стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга истеъмолчилар бундан мустасно).

4.6. Истеъмолчи ҳар ойнинг 10 санаасига кадар аввалги ойда истеъмол қилинган газ учун якуний хисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.7. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчилар хисоб-китоб килиш ойи тугагандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний хисоб-китобни амалга оширадилар.

4.8. Табиий газдан фойдаланишда Истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан хажмдан кам фойдалапилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблағлар қайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблағлар эса келгусида газдан фойдаланишда хисобга олинади.

4.9. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланганидан кўп хажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, Истеъмолчидан шартномадаги хажмлардан ортиқча олинган табиий газ қийматига нисбатан 1,4 коэффициент билан оширилган тўлов ундирилади.

Бунда, белгиланган тартибда хисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиши, текшириш ва созлигини мониторинг килиш учун ечиб олиш, шунингдек, Истеъмолчига алокалор бўлмаган турли хил (электр таъминоти посозлиги, чақмок, киска туташув ва х.к)даги техник посозликлар аникланганилиги сабабли истеъмол қилинган табиий газ хажмини ўрнатилган газ асбоб ускуналарини тўлик куввати бўйича хисоб-китоб килиниши натижасида шартномадаги хажмлардан ортиқ хажмларни ташкил килган холатлар бундан мустасно.

4.10. Табиий газ учун Истеъмолчининг тўлов муддати ўтган карзини мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови хисобига ўтказилган маблағлари Истеъмолчини хабардор килган холдатўлов муддати ўтган карзни коплашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида хисобга олинмайди.

4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ хакини ўз вактида тўланмаганлик учун истеъмолчи етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда иеня тўлайди.

4.12. Хисоб-китоб ойнда етказиб берилган табиий газ хажми Етказиб берувчи вакиллари томонидан табиий газ истеъмолини хисобга олиш приборидан кўрсаткичларни ёзиб олиш (ТГҲНАТга уланган, шунингдек, табиий газни истеъмол қилишни хисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган месъёрлар бўйича хисоб-китоб қиласидан истеъмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзиб олинган кўрсаткичлар Fossa тизимида киритиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табиий газ истеъмолини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларидан фойдаланган ҳолдакиритиш оркали аникланади.

4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига кадар Етказиб берувчи томонидан хисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш-кабул килиш далолатномаси ва электрон хисобварак-фактура расмийлаштирилади.

4.14. Етказиб берувчига Истеъмолчи ўртасидаги хисоб-китобларнинг ҳакконийлигини таъминлаш учун хисобот даврида газни етказиб бериш-кабул килиш далолатномаси Истеъмолчida куйидаги техник ҳужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

а) газни хисоблани прибори хотирасидан хисобот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;

б) Истеъмолчига тақдим этиладиган, Истеъмолчининг бўлиниш чегарасигача бўлган жойдаги газ тармоклари ва ГТҶлардаги технологик йўкотишларнинг хажми тўғрисидаги далолататноманинг мавжудлиги; Бунда Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоклари ва ГТҶдаги технологик йўкотишлар Истеъмолчи хисобига олиб борилади.

4.15. Истеъмолчи ойнинг 7 кунидан кечикирмасдан Етказиб берувчидан хисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш ва кабул килиш далолатномасини ва электрон хисобварак-фактурани қабул килиб олади, имзолайди ва бир нусхасини Етказиб берувчига жўнатади.

4.16. Табиий газни етказиб бериш-кабул килиш далолатномасини имзоламаслик ёки уни эътирозлар билан имзолаш Истеъмолчилари кўрсатиб ўтилган табиий газ хажмлари учун тўловлардан озод килмайди. Узатилган ёки қабул қилинган газ миқдорини аниклашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс этириш йўли билан хисоб-китоб қилиш ойи тугагандан кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрида маълум килиб, сўнг далолататноманинг бир нусхасини Етказиб берувчи вакилига тақдим килади. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чикилиши керак.

4.17. Истеъмолчидан дебитор карзларни ундириш Етказиб берувчи томонидан конунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.18. Газ узиб қўйилганидан сўнг ўзбошимчалик билан қайта уланганда, истеъмол қилинган газ хажми ва унинг киймати газ узиб қўйилган кундан бошлаб, уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичилади.

4.19. Газ учун амалдаги тарифлар (пархлар) ўзгаргантаклйрда, Етказиб берувчи бу хакидаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари оркали хабардор киласи. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур шартнома ўз кучида қолади, истеъмол қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у конунда белгиланган тартибда кучга кирганидан сўнг амалга оширилади.

## **V. ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

5.1. Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан мазкур шартноманинг 3.17. ва 4.18.-банда кўрсатиб ўтилган ҳуқукбузарликларга йўл қўйилиши, Етказиб берувчи ва Истеъмолчи вакиллари томонидан имзоланадиган ва икки нусхада тузиладиган далолатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофик Истеъмолчидан, фойдаланган газ хажми киймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олинади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандига кўрсатиленган ҳолатларда газ хажми кийматининг ундирилиши Истеъмолчини конунчиликда белгиланган жавобгарликдан озод килмайди.

## **VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛANIШ ТАРТИБИ**

6.1. Истеъмолчида куйидаги ҳолатларнинг мавжудлиги хамда ушбу ҳолатларнинг бартараф этилгунига кадар газ тармоқларидан узиб қўйилади:

- шартномавий мажбуриятлар бажарилмагандан;
- Етказиб берувчи вакилларини газдан фойдаланиш ускуналари ва хисобга олиш қурилмаларинизоратдан ўтишишга йўл қўйилмагандан;
- фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоб ўз вактида амалга оширилмаганлиги натижасида карздорлик мавжуд бўлганда;
- шартномада белгиланган буюртмаларга етарли микдорда олдиндан тўловлар амалга оширилмагандан;
- Етказиб берувчининг ва “Ўзнефтгазинспекция”нинг кўрсатмалари бажарилмагандан;
- хисоблаш приборларига қасдан зарап етказилганда, прибор кўрсатгичларини ўзгартириш мақсадида уларнингицлашига тўскинлик қилувчи хатти-харакатлар амалга оширилган ҳолатларда;
- газни ҳисобга олиш приборларига ташки таъсир кўрсатишига ҳаракат килиш;
- Газдан фойдаланиш қоидаларига зид равишда газ тармоқларига ноконуний уланиш ёки бошка қоидабузарликлар ёхуд газни талон-тарож қилиш ҳолатлари аниқланганди;

Бунда Етказиб берувчи газ таъминотининг ўчирилиши натижасида етказилган моддий зарар ёки бой берилган фойда учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

6.2. Тармоқка қайта уланишда амалдаги қонунчиликка мувофик Истеъмолчидан базавий хисоблаш микдорининг ўн баравари микдорида ҳак ундирилади. Шартноманинг 13.1.-бандига кўрсатиленган ҳоллар бундан мустасно.

6.3. Газ истеъмолини хисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТГХНАТ) ларига уланган истеъмолчиларни масофадан қайта улаш учун ҳак ундирилмайди.

## **VII. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

7.1. Етказиб берувчи куйидагиларга мажбур:

- ўзига қарашли бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда саклаш ва уларни ўз ҳисобидан таъмиглаш-тиклиш;
- ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда рухсатсиз уланишларни аниқлаш учун даврий кўздан кечириш;
- табиий газ етказиб бериш кискарған ёки тўхтаган таклирла бу тўғрида Истеъмолчиларни хабардор қилиш;
- газ хисоблаш ускуналаридан олинган архив маълумотларни, электрон маълумотларнинг барча параметрларини камида уч йил мобайнида ўзида сакланишини таъминлаш;
- шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандларига кўрсатиленган ҳолатлар содир этилганилиги ва ушбу ҳолатларни бартараф этилгунига кадар табиий газ таъминотини кўшимча огохлантиришларсиз тармоқдан ўчириш;
- табиий газнинг рухсатсиз истеъмол қилинганлиги, газ тармоқлари моддий бойликларининг талон-тарож қилинганлиги тўғрисида хукукни муҳофаза қилиш органларини хабардор қилиш;
- Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газни етказиб бериш;

- конунда назарда тутилган тартибда монополияга қарши давлат органининг тақдимномасига асосан шартномага ўзгартиришлар киритиш;

- Етказиб берувчи ва ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш;

- техник хизмат кўрсатиш шартномаларига мувофиқ истеъмолчиларнинг ички газ тармоқлари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмати кўрсатиш;

- Газдан фойдаланиш ускуналарини 5 сутка муддат ичидаги алмаштириш;

Етказиб берувчи конунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### 7.2. Етказиб берувчиликдаги ҳуқукларга эга:

- техник заруратга кўра, Истеъмолчини белгиланган тартибда хабардор килган холда, табии газни етказиб беришни кискартириш ёки тўхтатиш;

- газ таъминоти тармоқларига рухсатсиз уланиш ҳолатлари аниқланганда уларни белгиланган тартибда газ тармоғидан узиб кўйиш;

- Истеъмолчилардан табии газдан фойдаланиш коидалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишини талаб килиш;

- табии газни етказиб бериш шартномасини ижро килишдан конун хужжатларига мувофиқ бир томонлама воз кечиши;

- газ тармоқларида авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кеччикириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзага келганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огохлантирмасдан ҳамда зуллик билан хабардор килган холда, табии газни етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш;

- ушбу шартномала назарда тутилган ҳолатларда, аниқланган коидабузарликлар бартараф этилгунига қадар аввалдан огохлантирмаган ҳолда газ етказиб беришни тўхтатиш.

- табии газ етказиб бериш шартномасини бир томонлама бекор килиш.

#### 7.3. Истеъмолчи куйидагиларга мажбур:

- хисобот ойида табии газ етказиб бериш ва кабул килиш далолатномасини ва хисоб-варакасини расмийлаштириш учун ҳар ойнинг 5-санасигача Етказиб берувчига электрон газ хисоблонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни хисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиш.

- газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш;

- газ ҳўжалиги газ қувурлари ва ускуналарини техникижихатдан соз ҳолатда саклаш;

- газ тармоқларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табии газ сизиб чикиши ҳолати ҳақида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зуллик билан хабардор килиш;

- ўзининг газ тармоқлари даҳлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган рухсатсиз уланишларни аниглаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равишида кўздан кечириб чикиш;

- газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқларига сертификатланмаган, газлаштириш лойихасига (ЛТХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл кўймаслик;

- газ етказиб берувчи вакиллари ва "Ўзнефтгазспекция" ходимларининг (тегишли гувохнома кўрсатилган тақдирда) табии газни истеъмол килишни хисобга олиш приборларини ва/ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг истайлган вактида эркин кўздан кечиришини таъминлаш;

- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш ҳуқукига эга бўлган ихтинослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиш;

- табии газ истеъмолини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўқинлик килувчи харакатларни амалга оширмаслик, уларнинг касдан бузилишига йўл кўймаслик ва ўрнатилган тамғаларнинг бутунлигини таъминлаш;

- табии газ истеъмолини хисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун кулагай шаклда дархол хабардор килиш.

- Газ тармоғи бўлинини чегарасида табии газ сарфи бўйича маълумотларни масофадан олиш имкониятини берувчи газ истеъмолини хисобга олиш ва назорат килишининг автоматлаштирилган (ТГХНАТ-АСКУГ) тизимига уланган хисоблашчи приборлари Истеъмолчи томонидан ўрнатиш..

#### 7.4. Истеъмолчи Етказиб берувчидан қуйидагиларни талаб килиш ҳуқукига эга:

- етказиб берилган табии газнинг аниқланган ҳажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, Етказиб берувчининг табии газни истеъмолини хисобга олиш приборлари ишлашининг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;

- табии газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимига риоя килган холда узатилиши;

- табии газни етказиб бериш шартномаси бекор килинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани қайтариш;

- табии газни етказиб бериш шартномасини конун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор килиш;

- табиий газни етказиб бериш тұхтатылғанда, заарарни қоплашни талаб қилиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандлари бундан мустасно);

- газ етказиб беришни вактинча тұхтатиши.

Истеймөлчи конунчылык хұжатларыда белгиланған бошқа хұкукларға эга бўлиши мумкин.

### VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Етказиб берувчий Истеммолчига газ етказиб бериши шартномасын аосан газ етказиб берилмаган ёки түлүк етказиб берилмағанлыгы оқибатыла етказылған мөддий зарар ва бой берилған фойдалані белгиланған тартибда көплайди.

Етказиб берувчи газни етказиб бермаганлик ёки түлик етказиб бермаганлик учун куйидаги холларда жавобгар хисобланмайтын:

а) Истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармокларига қўшимчага газдан фойдаланиш ускунасини руҳсатсиз улаш холати аникланганда;

- б) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;
  - в) конун хужжатларида назарда тутилган ҳолатларда.
  - г) истеъмолчи томонидан шартнома талабларига амал килинмаганида;
  - д) мазкуршартноманинг 2.5. ва 6.1.бандларида кўрсатилилганхолларда.

8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида Истемолчига моддий заар етказилганда, Етказиб берувчининг мансабдор шахсига нисбатан базавий хисоблаш миқдорининг ўн барабаридан ўн беш баравари миқдорида жарима кўлланади.

8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Конуни асосида жарима санкциялари қўлланилади, қуйилаги ҳолатлар бундан мустасно:

- а) форс-мажор ҳолатлар;
  - б) магистрал газ қувурларида ва газ тармокларида авария ҳолатлари юз берганда;
  - в) киши лаврида вақтингча газ етказиб бериш чекланганида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар сининг 2008 йил 24 декабрлаги 277-сон карорлари, шунингдек, Коракалпогистон Республикаси Кенгаши, вилоятларва Тошкент шаҳри ҳокимликлари карорлари билан тасдиқланган газ етказиб омогидан узиб қўйилмайдиган обьектлар рўйхатига киритилган корхоналардан ташкири);
  - г) шартномаасосида Истеъмолчи томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаганда.

8.4. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив ҳужжатларталабларига мос келмаганда, Истеъмолчи газ кабул қилиш ёки унинг учун ҳак тўлашни рад этганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ хажми кийматининг 20 фоизи микдорида жарима тўлашни талаб қилиш ҳукукига эга. Агар, газ киймати тўланган бўлса, Истеъмолчи Етказиб берувчидан белгилантган тартибда тўланган суммани кайтаришни талаб қилиш ҳукукига эга.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан тўлиқ газ етказиб берилмаганда, етказиб берувчи истеъмолчига кечикирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмиининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган газ баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўланш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказиб бериш муддатларини кечикириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик окибатида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

8.6. Шартномада кўрсатиб ўтилган мултатларда етказиб берилган газ хаки ўз вактида тўланмаганик учун истеъмолчи етказиб берувчига ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктитрилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаган миқдорда ишнай тўлайди.

## IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1. Ушбу шартноманинг хар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга карши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб колмасдан, барча амалдаги конун ва коидаларга оид шартларни ва талабларни тадбик этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

9.2.“Истемолчи” “Ётказиб берувчи”га мазкур шартнома доирасида куйидагиларни кафолатлайди ва куйидаги мажбуриятларни хам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал килиш муддати давомида у (шуунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истемолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида харакат килиб, “Ётказиб берувчи”нинг коррупцияга карши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча конун ва коидаларига катъий риоя килади.

## X. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Келишмөвчиликлар ва пизоли масалалар юзага келгап тақдирлә томонлар коидага күра, уларни судгача хал этиш чораларини күрадилар.

10.2. Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда жавобгар жойлашган жойдаги Иктиносий судга мурожаат килишга ҳаклидир.

10.3. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгаришишга йўл кўйилмайди, конунда белгиланган холатлар бундан мустасно.

## XI. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

11.1. Томонлар:

а) табиий оғатлар;

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармокларида, газни кайта ишлаш корхоналари ва газ козибчикириш жойларида куттимаган авария вазиятлари юзага келганда, шунингдек енгиб бўлмас кучлар туфайли содир бўлган табиий оғатлар, хусусан, сел, ёмғир, сув тошкини, ёнғип чиқиши, ер кимирлаши, вирус тарқалиши ва пандемия даврида ҳамда Ҳукумат карорига асосан тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажариш имкони бўлмай колганда жавобгарликка жалб этилмасдан, газ етказиб беришни тўхтатиш, кискартириш ёки муносабтларни тўхтатиш хукукига эга бўладилар.

11.2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келган тақдирда, тарафлар хар қандай алоқа воситаси ёрдамида бир-бирини хабардор килиши керак.

11.3. Агар, кўреатилган ҳолатлар 90 кундан ортик кун мобайнида сакланиб турса, томонлар музокаралар йўли билан шартномани келгусида бажариш тўғрисидаги карор кабул киладилар.

## XII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

12.1. Унбу шартномага ўзгаришиш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиши ҳамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

12.2. Бюджет ташкилотлари учуншартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралидаги ПҚ-594-сон карорига асосан Фазначилик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

12.3. Шартнома 2022 йил 31 декабргача бўлган муддатга тузилган. Шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор килиш тўғрисида талаб билан мурожаат килмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган хисобланади.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор килиш тўғрисида талаб билан мурожаат килмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган хисобланади. Бюджетдан маблағ олувчилик ҳар йили “2022” йил 31 декабр санасига” амал қилишлари лозим.

12.4. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича даъволари даъво қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида кўриб чиқилади.

## XIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

13.1. Томонлар ўртасидаги барча келишмовчиликлар ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади. Томонлар ўзаро келишувга эришмаган тақдирда низо жавобгар жойлашган жойдаги тегишли суд томонидан ҳал қилинади.

13.2. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар бири учун икки нусхада тузилган, иккала нусхасиҳам бир хил юридик кучга эга.

## XIV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» «Худудгаз»	«ИСТЕМОЛЧИ» Хива шахар ХТБ (Мактаблар)
“Хивашаҳаргаз” газ таъминоти бўлими Манзил: Тел./факс: 377-51-04 х/р: 22634000905113960469 Банк номи: «Ўзсаноатқурилишбанк» Ракат филиали МФО:000435 ИНН: 306605769 ОҚЭД:	Хива шахар. Р. Мажидий 12-үй Тел: 377-65-72 манзил: Хива шахар. Р. Мажидий 12-үй ш/х.р 100022860334067092100075021 Банк номи: Марказий банк Тошкент шахри МФО 00014 ИНН 305073143 Молия вазирлиги газначилиги

<p>Рахбар: Ш.К.Сабиров</p> <p>Имзоси:</p>  <p>Мухр ўрни</p>	<p>x/p 23402000300100001010 ИНН 201122919 ОКЭД 84112</p> <p>Рахбар: З. Рахимова</p>  <p>Мухр ўрни</p>
--	---

2022 йил « 31 » 01 даги

5/40 -сон шартномага

ИЛОВА

## Фойдаланишга қабўл қилинган газдан фойдаланиш ускуналари РЎЙХАТИ

**Фаолият тури:** \_\_\_\_\_

## Кадастр №

\_\_\_\_\_

Табий газ тарифи сум тийин

т/р	Корхона, участка, цех номи	Агрегатлар		Лойихавий газ сарфи, м.куб/саат	Газни хисобга олиш приборларининг турлари
		номи	сони		
1	1-мактаб		1		Принц-M G25
2	2-мактаб		1		Принц-M G40
3	3-мактаб		1		Принц-M G25
4	4-мактаб		1		Принц-M G25
5	6-миктаб		1		Принц-M G40
6	7-мактаб		1		Принц-M G25
7	8-мактаб		1		Принц-M G40
8	9-мактаб		1		Принц-M G25
9	10-мактаб		1		Принц-M G40
10	11-мактаб		1		Принц-M G40
11	12-мактаб		1		Принц-M G40
12	13-мактаб		1		Принц-M G25
13	14-мактаб		1		Принц-M G25
14	15-мактаб		1		Принц-M G40
15	16-мактаб		1		Принц-M G40
16	17-мактаб		1		Габой-1 М
17	18-мактаб		1		Принц-M G40
18	19-мактаб		1		Принц-M G25
19	20-мактаб		1		Принц-M G25

## Келишилган:

## Етказиб берувчи

## Истетьмолчи

## Рахбар

Ш.К. Сабиров

## Рахбар

3. Разимова

Ижрочи



MÝ

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNI QONUN  
HUJJATLARIIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

№

1.Loyiha turi: Sharhnomma

2.Loyihaning nomi: Tabiiy gazni ulgurji iste'molchilarga etkazib berish va qabul qilish togrisida

Xiva shahar xalq ta'limi bo'limiga "Xududgaz" Xorazm gaz ta'minoti filiali tomonidan tabiiy gaz etkazib berish togrisidagi 5/40-sonli sharhnomma loyihasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Xiva shahar xalq ta'limi bo'limi tomonidan 2022-yil 26-yanvar kuni ishlab chiqilgan va tizimga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonunchilik hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Xiva shahar yuridik xizmat ko'rsatish  
markazi bosh yuriskonsulti**



**U.Babayev**

2022-yil 27-yanvar